

**XO‘JAOBOD TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

171400, Andijon viloyati,
Xo‘jaobod shahar, Pok niyat ko‘chasi, 2-uy



**KHODJAOBOD INTER-DISTRICT
ECONOMIC COURT**

171400, Andijan region,
Khodjaobod city, Pok niyat street, 2.

Tel., Fax: (+998-74) 741-12-82, veb-sayt: www.oliysud.uz, e-mail: i.xujaobod@sud.uz

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Хўжаобод тумани

2022 йил 01 ноябрь

4-1706-2201/1062-сонли иш

Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди, судья Ж.К.Абидовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Т.Аликуловнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи - *****нинг

жавобгар – *****га нисбатан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида электрон ҳужжат тарзидаги аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни

аризачи вакили ***** (2022 йил 23 август куни берилган 23-53375-сонли ишончнома асосида) иштирокида, Хўжаобод туман Давлат солиқ инспекцияси маъмурий биносида, очик, сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, куйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

***** (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади) *****дан (бундан буён матнда “ДСБ” деб юритилади) солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган.

Жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда “Солиқ кодекси” деб юритилади) 82-моддасининг биринчи қисмига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда Солиқ кодексига мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этиши белгиланган бўлсада, 2022 йил август ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи ва унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар белгиланган муддатда ДСБга тақдим этилмаган.

Шу сабабли, ДСБ Солиқ кодекси 111-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйишни сўраган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар бугунги суд мажлисида иштирок этмади. Суд жавобгар суд мажлисидан хабардорлиги тўғрисида далил иш ҳужжатларида мавжудлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади)нинг 128 ва 170-моддаларига асосан ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида ДСБ вакили аризани тўлиқ қўллаб-қувватлаб, жавобгар томонидан шу кунга қадар 2022 йил август ойи учун қўшилган қиймат солиғи



бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этилмаганлиги учун унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйишни сўради.

Суд, аризачи вакилининг тушунтиришини эшитиб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг ариза талабини қаноатлантиришни лозим топади.

ИПК 217-моддасига кўра банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланиши, мазкур кодекс 215-моддасига асосан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Солиқ кодексининг 82-моддасига кўра солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади. Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади. Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этади.

Солиқ кодекси 259-моддасига кўра солиқ даври бир ойлик этиб белгиланган. Мазкур Кодекснинг 273-моддасига кўра солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Бироқ, иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар ***** 2022 йил август ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботларини топшириши лозим бўлсада, ДСБга солиқ ҳисоботларини тақдим этмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасида “Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.



Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини аниқлатади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.” деб белгиланган.

2022 йил 21 сентябрь куни ДСБ томонидан жавобгарга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш юзасидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига хабарнома юборилган. Хабарнома оқибатсиз қолдирилган.

ДСБнинг 2022 йил 6 октябрь кунги қарори билан жавобгарнинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилган.

2022 йил 2022 йил 6 октябрь куни ДСБ жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги учун унинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилганлиги, агар ҳисобот тақдим этилмаса, банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида иқтисодий судга ариза киритилиши ҳақида огоҳлантирилиб, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига хабарнома юборилган. Хабарнома жавобгар томонидан эътиборсиз қолдирилган.

Жавобгар томонидан ҳисоботлар давлат солиқ хизмати органига топширилмаганлиги ДСБнинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлари, ДСБ вакилининг тушунтиришлари билан тасдиқланганлиги боис, суд аризачининг талабларини қаноатлантиришни лозим топди.



ИПК 118-моддасига кўра суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божи тўғрисидаги Қонуни 9-моддаси 19-бандига мувофиқ, аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларида давлат божини тўлашдан озод қилинганлигини ва иш электрон тарзда шакллланганлигини инобатга олиб, аризани тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгардан суд харажатларини ундирмасликни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 176-179, 215-217, 222 - моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

*****нинг аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар *****нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялари (фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақлар бундан мустасно) чиқиш қисми 2022 йил август ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботлари тақдим этилгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.

*****га хизмат кўрсатувчи барча банклардаги ҳисоб-рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилгандан сўнг ***** томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддатда апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ж.К.Абидов

